

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ ШАРОИТИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИДА БИТТА КЎСАҚДАГИ ПАХТА ВАЗНИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*Мадрахимов Мусурмон Иномжонович*

*Биология кафедраси ўқитувчиси*

*Гулистон давлат университети, Гулистон шаҳар.*

*Абдурахмонов Сарвар Маматкаримович*

*Биология кафедраси магистр,*

*Гулистон давлат университети, Гулистон шаҳар*

*Суяров Абдурашид Абдували ўғли*

*Биология кафедраси магистр,*

*Гулистон давлат университети, Гулистон шаҳар*

**Аннотация.** *G. barbadense* L. ғўза турига мансуб навларнинг ўртача шўрланган тупроқ шароитида битта кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичининг таҳлиллари келтирилган бўлиб ижобий кўрсаткичли ўсимлик навлари келгуси селекцион жараёнларда фойдаланишга тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар.** Ғўза навлари, кўсақ, ҳосилдорлик, шўрланиш.

Дунё микёсида асосий экинлардан бири бўлиб ғўза ўсимлигини келтиришимиз мумкин. Чунки ғўза ўсимлиги ишлаб чиқариш соҳалари тармоқларини асосий хом-ашё билан таминловчи ўсимликлардан биридир. Ишлаб чиқаришнинг ғўза навларига бўлган асосий талабларидан бири сифатида серҳосил ўсимликларга бўлган эҳтиёжнинг юқорилигини келтириш мумкин. Ғўза ўсимлигининг ҳосилдорлиги қимматли хўжалик белгиларига яъни ўсимликдаги кўсақлар сони, битта кўсақдаги пахта вазни ва ундаги тола миқдори ҳамда 1000 дона чигит вазнига боғлиқ бўлади. Сўнгги йилларда ғўза ҳосилдорлиги белгисини генетик нуқтаи назардан ўрганиш илмий изланишларда жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Масалан, О.Мау [4] илмий манбаларида келтирилишича, ғўзада ҳосилдорлик ва тола сифати белгилари бир нечта генлар таъсирида бошқарилади.

Тадқиқотларда ўрганилаётган навларнинг ҳосилдорлик компонентлари ҳам бир-биридан кескин фарқланади. *G. barbadense* L. навларига хос ўсимликларда битта кўсақдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазнига караганда *G. hirsutum* L. навларида битта кўсақдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазнининг юқори бўлиши уларга нисбатан ҳосилдорликни ошишига олиб келади, лекин *G. barbadense* L. навларига хос ўсимликларда кўсақлар сонининг кўп бўлиши ҳосилдорликни юқори бўлишига олиб келади.

Маълумки, битта кўсақдаги пахта оғирлиги ўсимлик маҳсулдорлигининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади [1]. Шунинг учун ҳам генетик-селекцион изланишларда мазкур белгининг намоён бўлиши, ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Адабиётларда битта кўсақдаги пахта оғирлигининг муҳит шароитларига нисбатан кам ўзгарувчан белги эканлиги қайд этилган [2].

Шунингдек, S.S.Bhatade (1981) битта кўсақдаги пахта оғирлиги бўйича устунлик юқори кўрсаткичли нав томонга йўналганлигини таъкидлайди.

Тадқиқотларимизда дастлабки белги сифатида, битта кўсақдаги пахта вазнини кўриб чиқишга бағишладик. Олинган тадқиқотлар натижасига кўра *G. barbadense* L. маданий тетраплоид тури асосида яратилган навларда битта кўсақдаги пахта вазни бўйича кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилишини кўришимиз мумкин. Тажрибада битта кўсақдаги пахта вазни бўйича юқори кўрсаткич Термиз-202 навида кузатилиб 3,09 г ни ташкил этса, ушбу белги бўйича паст кўрсаткич эса Сурхон-16 навида кузатилган бўлиб, 2,64 г ни ташкил этган. Қолган навларда эса белги бўйича кўрсаткич Сурхон-18 ва Сурхон-103 навларида 2,91 г ни ташкил қилиб термиз-202 навида нисбатан 0,18 г га камлигини,

Сурхон-16 навига нисбатан эса 0,27 г га кўплигини кузатишимиз мумкин. Бу белги бўйича Сурхон-104 нави 2,94 г ни ташкил этиб, Термиз-202 навига нисбатан 0,15 г га камлигини, Сурхон-16 навига нисбатан эса 0,30 г га кўплигини кўришимиз мумкин (1-жадвал, 1-расм).

1-жадвал

Ингичка толали ғўза навларининг битта кўсагдаги пахта вазни кўрсаткичининг ирсийланиши, (гр)

№	Нав ва наъмуналар	Бир дона кўсагдаги пахта вазни, гр
1	Сурхон-16	2,64
2	Сурхон-18	2,91
3	Термиз-202	3,09
4	Сурхон-103	2,91
5	Сурхон-104	2,94



1-расм. Навларнинг битта кўсагдаги пахта вазни кўрсаткичлари, гр

Олинган натижалардан кўришиб турибдики, Сирдарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида ингичка толали ғўза навларининг қимматли хўжалик белгиларидан бири бўлган битта кўсагдаги пахта вазни кўрсаткичи 2,64 г дан 3,09 г гача бўлган оралиқда жойлашди. Битта кўсагдаги пахта вазни белгиси бўйича Термиз-202 навида бошқа навларга нисбатан юқори кўрсаткични намоён қилган. Навларнинг белги бўйича ўртача кўрсаткичи 2,91 грамни ташкил этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Усманов С.А. и др. Создание доноров *G.barbadense L.* с высоким выходом волокна и массой хлопка-сырца одной-коробочки. //Мат.межд.науч-прак.конф. “Современное состояние селекции и семеноводства хлопчатника, проблемы и пути их решение”. Ташкент, 2007. с.157-159.
2. Автономов В.А, Кимсанбаев М.Х. Продуктивность волокна, его изменчивость и наследуемость. // Ж. Сельское хозяйство Узбекистана, 2005, №3, с.13-14.
3. Bhatade S.S. Genetic analysis of yield and fiber characters in 1т L. Jnd.jorn.see 1981, 51,3: p.160-162
4. May O.L. Genetics variation in fiber quality in A.S. Basre (ed) //Cotton fibers, Foad Products Press. - New York, 1999. - P. 183-229.